



ЎЗБЕКНИСТОН

Газетага 1918 йил 21 июлда «Иштирокию» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси Нархи: 10 сўм
1993 йил 2 июнь, чоршанба № 100 (21.451).

Ислон КАРИМОВ: АЖДОДЛАР ХОТИРАСИНИ ЙЎҚЛАШ — ЯХШИЛИК БЕЛГИСИ

Ўзбек билан қозоқнинг ери ерига, дили дилига туташ. Бу икки халқ ўрта-сида қадим-қадимдан қудан-андачилик мавжуд. Аслида бу гаплар фақат ўзбек билан қозоққа эмас, шу билан Марказий Осиё деб атаётган минтақада яшовчи барча халқларга бирдай тегишли. Бу гаплар рух замин халқларнинг тўғри хатирасини ўз ичига олади. Ота-боболаримиздан қолган бу уду, бу анъана эндиликда қайтадан тикланмоқда. Халқларимиз, юртбошларимиз ўртасидаги ўзаро ақиллик, меҳр-муҳаббат, бевосита мулоқотлар ривожланмоқда. Шўро даврида тили, дили, урф-одати бир бўлган қўшни республикаларга боғиш, у ердаги табиқатда иштирок этиш учун ҳам марказнинг имло-да зарур эди. Шукроналар бўлсинки, энди бундай «имлодорлар» ўз ичиданги иштирок этиш, хоҳлаган жойимизга борамиз, истаган давлатнинг раҳбарини тақдир этга оламиз. Мустақилликнинг энг буюк самаралардан биридир бу. Шу йилнинг 28 майда Чимкент вилоятида ўтган таънавалар, Қозғистон Президенти Нурсултон Назарбаевнинг тақдирга кўра, у ерда «Ўзбекистон ва Қирғизистон Президенти Ислон Каримов ҳамда Асқар Ақоевнинг иштирок этиши ана шу фикрларнинг амалий бир нфоси сифатида намоён бўлди. 28 май эрта тонгда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовни Чимкент аэропортида Қозғистон Президенти Нурсултон Назарбаев, республиканинг бошқа раҳбарлари кутиб олдилар. Хар иккала республиканинг давлат махфиялари янгради. Мехмонлар меҳоблар ҳаётининг таънавалар ўтагани жой — Жанубий Қозғистоннинг Рўсий деб аталадиган тепалиқларига йўл олдилар. Ўрдабошига бутун Қозғистон аҳолиси

оқиб келарди гўё. Юз минглаб одамлар қозоқ халқининг XVIII асрда ўтган ардоқли фарзандлари Тўла бий, Қозибек бий ва Ай теке бийнинг хотирасига бағишланган таънаваларда иштирок этиш учун ошди-қарди. Бу ерга тўпланганлар уч давлат Президенти — Ислон Каримов, Нурсултон Назарбаев, Асқар Ақоевни ҳамкорликда кўриб, диллари яйради, чеҳралари ёриди, кўзлари қувонди. Зотан, халқларнинг дўстлиги, аҳд ва ишончилиги, бир-бирини ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаши аввало, давлат раҳбарларининг ўзаро ақиллик-ақилликка боғлиқ. Буни одамлар билдилар. Шу боис уч Президент Ўрдабоши кенгликлари бўйлаб одамлар орасидан ўтишганида минглаб аёл эркак, ёш кекса бавабар олдиш-ладилар уларни, ақилликларининг Оллоҳ ўзи ёмон кўздан асрагин, деб дуо қилди оқсоқоллар. Қозғистон Президенти таънавалар очар экан, мустақилликка эришгандан сўнг қозоқ халқи ўз ўзининг бошқача кўз билан қараётганини, миллий надрятларини тиклаш, аждодлар руҳини шод этиш учун бирмунча ишлар олиб борилаётганини, бирлик, ҳамкорлик бутун ҳар қачондан кўра муҳимроқ эканини таъкидлади. Байрамнинг очилиш маросимида Президент Ислон Каримов нутқ сўзлади. Унинг, бутун ўзбек халқининг номидан байрам иштирокчиларини табриқлади. Турон заминда яшаётган халқларнинг илдизи, мақсади, бир, деди Президентимиз. Уларни ҳеч қачон бир-бирдан аиритиб бўлмайдми. Ўзларни катта бир чинорнинг шохларимиз. Тилимиз бир, динимиз бир, урф-одатларимиз бир. «Ўзбекистон ҳам, қозоқнинг ҳам, қирғизнинг ҳам асрий ораулар амалга ошди. Халқларимиз ўз дав-

латларига эга бўлди. Энди бизлар бир ёқдан бош чиқариб, қўлни қўлга бериб, порлоқ истиқбол биносини қуришимиз керак, — деди Ислон Каримов. — Халқларимиз бугунги кунда катта қийинчиликларни бошдан кечираётгани барчамизга аён. Бугунги мушкулотдан фойдаланиб, бизнинг ораимизга совуқлик солишга, ҳатто бир-биримизга қарши гиж-гижлашга ҳаракат қилаётган кучлар ҳам бор. Бизлар, айниқса, бу ерга йиғилган давлат раҳбарлари, битта нарсани жуда яхши англаб олошимиз керак: Турон замининда яшаётган халқлар бирлашса, бир-бирини ёмон кўздан асраса, турли қўрувчиларнинг ёлғон ваъдаларига учмас — ана шундангина биз ҳақиқий мустақилликка эришамиз... Ўйлабманки, бугунги таънавалар — қозоқ халқининг урта атоқли бийни хотирлашга йиғилганимиз — Марказий Осиё халқларини янада жипслаштиришга, бир жон ва бир тан этишга хизмат қилади. Чиндан ҳам, Турон тупроғи халқларининг ҳамкорлиги бугун ниҳоятда зарур ва муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан у қозоқ бийининг хотирларини ҳам ўзинга хос рамзий маънога эга Чунки, бу бийлар ёта — жунардларга қарши курашда қозоқ халқини бирлаштирган, уларни ақилликка даъват этган. Шу бийларнинг саъй-ҳаракатлари тўғрисида қозоқлар биллашиб, бир ёқдан бош чиқариб ёта қарши омонсиз курашганлар ва юртин ёз босқинидан асраб қолганлар. Бу бийларнинг фаолияти, ўша тарихий воқеалар бутун учун намуна бўлмоғи зарур. Қозғистон ҳам, ўзбекистон ҳам, қирғизнинг ҳам мустақил бўлиши, ўз давлатига, ўзининг ҳақиқий юртбошимизга эга бўлишини қўрқиниб қолганларимизга аён эмас. Бунинг минтақамиздаги ҳар бир киши — ёши, касби, лавозимидан қатъи на-

зар — чуқур англаб етмоғи зарур... Таънаванинг очилиш маросими тугагандан сўнг Тўла бий, Қозибек бий ва Ай теке бий хотирасига ёлғонлик комплексини ўрнатилган жойда рамзий тош қўйиш маросими бўлди. У ерда республиканинг вакиллари гуллар қўйдилар. Сўнг уччала Президент баланд тепалиқка кўтариладилар. У ерда Президентлар қўшма баёғотни имзоладилар. ...Ўрдабоши тепалиқлари ақойиб бир манзара касб этган. Бу ерда Жанубий Қозғистоннинг деярли барча туманларидан «Мелиб» ўтовлар тинишган. Ўтовин хар бир туман аҳолиси ўзинга хос тарзда безаган, томирлар ҳам шунга яраша. Сулув қозоқ қизларининг қўлидан қимизу қимрон қишининг ҳам ўз гашту лаззати бор. Расмий маросимлардан сўнг Президентлар Ислон Каримов, Нурсултон Назарбаев, Асқар Ақоев ўтовларга ташриф буюрдилар, турли туманлардан келган меҳнаткашларнинг вакиллари билан суҳбатлашдилар. Одамлар уч республика юртбошимлари олиб бораётган сибатдан мамун эканликларини, энг асосийси, бу уччала мамлакатда ҳам ошо-Иштилик, хотиржамлик мавжудлигини, ана шу энг катта бойлик эканини таъкидладилар. Қариялар юртбошимларни қайта-қайта дуо қилдилар. Уларга ҳурмати-нинг рамзи сифатида Ислон Каримов, Асқар Ақоев ва Нурсултон Назарбаевга биттадан тулпор совға этдилар. Таънаванинг бадий қисми ҳам жуда қизиқарили бўлди. Майдонда жунардларнинг ҳужумига қарши қозоқ халқи қандай курашгани, бу ҳаёт-ҳалот жағида уччала бийнинг фаолияти, халқини бирликка даъват этгани, ана шу тўғрисида ёлғонликдан ақс эттирилган, театрлашган томошалар йи-

рилганларда катта таассурот қолдирди. Тўшдан кейин Ўрдабоши кенгликларида уч республика санъаткорлари ижросида концерт намойиш этилди. Қозоқ ва қирғиз оқинлари қатори Ўзбекистон халқ артистлари Гуломжон Ёқубов, Ортиқ Отажоновнинг ашуларларини, раққосларимизнинг сержило ва ишвакор раққосларининг томошаларини олдирилган билан кутиб олдилар. Мустақиллик қозоқ халқи учун ҳам миллий қадриятларини тиклашда кенг имкониятлар олиб бермоқда. Бу Ўрдабоши таънаваларида ҳам кўринди. Миллий кураш, айтишулар, одаман пойта ва бошқа томошалар шундан далоят берди. Кечга томон Президентлар Ислон Каримов, Нурсултон Назарбаев, Асқар Ақоев ва уларнинг ҳамроҳлари Чимкент шаҳри яқинида Дендро паркига ташриф буюрдилар. Азия ва ҳурматли меҳмонлар учун баҳаво ва масканда ажратилган хабонга Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов, Қирғизистон Президенти Асқар Ақоев дархат экдилар. Президентимиз Ислон Каримов боғининг фахрий меҳмонлар китобига дил сўзларини ёзиб қолдирди. Ислон Каримов Чимкент аэропортида Нурсултон Назарбаев, Қозғистон Республикасининг бошқа раҳбарлари билан хайрлашар экан, бундай тадбирлар халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда, ёшлар қалбига Ватанини севини, унинг ҳимояси учун доим тайёр туриш лозим деган тўғрисида баърадор қилишда катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Уммининг эслаши, аждодларнинг хотирасини улуғлаш — яхшилик белгиси, деди у. «Барака боши — бирлик» шiori остида ўтган бу байрам турон янги халқларининг дўстлиги намойишига айланди. М. ҲАЗРАТҚУЛОВ. (ЎзА).

ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ 1993 йилда купонлар беришнинг табақалаштирилган янги жадвалини белгилаш тўғрисида

Энг кам иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар бўлган пайтирилиши муносабати билан Вазирлар маҳкамаси қарор қилди:
1. Шу йил 1 июндан бошлаб бериладиган купонлар миқдорини аниқлашнинг янги табақалаштирилган жадвали иловага биноан белги-лансин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида 1993 йилнинг биринчи чораги таъмин-насидаги купонлар картон-каларининг амал қилиши сақлаб қолинсин.
Қиймати 3000 ва 5000 купондан иборат купон картонкалари қўшимча равишда муомалалар чиқарилсин.
2. Мулкчиликнинг барча шаклларидаги вазирлик-лар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корхоналар, ташкилотлар ва ҳўжалик-лар зарур миқдордаги купон учун тегишли банк муассасаларига 1993 йил 5 июнга қадар талабномалар топширинлар ва шу йилнинг июнь ойи учун купонлар 7 июнгача берилишини таъминланлар.
3. Марказий банк, Молия вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Алоқа вазирлиги, Пенсия жамағармаси, Олий ва ўрта махсус таълим ва зирлиги, Халқ таълими ва зирлиги, олий ва ўрта мах-

сус ўқув юртлири бўлган бошқа вазирликлар ва идоралар шу йил 10 июнгача пенсиялар ва стипендиялар тўлинишини таъминланлар.
4. Молия вазирлиги купон картонкалари тайёрлашга ва уларни Марказий банк муассасаларига етказиб беришга ҳаракатлар учун пул акратининг таъминласин.
«Ушартномас а в д о» «Шарқ» матбаа-полиграфия концернининг талабномасига мувофиқ уни зарур миқдордаги қозғоб билан таъмин-

ласин.
5. Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 31 мартдаги 166-сон, 1993 йил 10 майдаги 211-сон қарорлари кучини йўқотган деб ҳисоб-ласин.
6. Мазкур қарорнинг ба-жарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари ўртоқ Б. С. Ҳамидов зим-масига юклатилсин.
Вазирлар маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА 1993 йилги қайд этилган даромадлар буича бериладиган купонлар миқдорини аниқлаш жадвали

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва қайд этилган бошқа даромадлар миқдори (солиқлар ва ушлаб қолинган пуллардан ташқари)

7500 сўмгача	3000
7501—20000 сўм	3000 қўшув 7500 сўмдан орт-ққ пўлининг 20 фоизи
20001—50000 сўм	5500 қўшув 20000 сўмдан орт-ққ пўлининг 15 фоизи
50001 сўм ва ундан ортиқ	10000 қўшув 50000 сўм-дан орт-ққ пўлининг 10 фоизи

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Урганча Хоразм вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Янги жумҳурият Олий Кенгаши» ун иккинчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган масала муҳокама этилди. Бу ҳақда вилоят ҳокими М. Жуманиёвнинг маърузаси тингланди. Сўзга чиққанлар жумҳурият Президентининг янги рисоласи ҳамда Олий Кенгаш ўн иккинчи сессиясида

сўзлаган нутқидидаги йўл-йўриқ ва қондалар хоразмликларнинг ҳам асосий дастуруламали эканини мамуният билан таъкидладилар. Йиғилишда вилоятда амалдаги йилнинг тўрт ойи мобайнида рўйга чиқарилган ишлар таҳлил этилди ва тадбири вазиқлар белги-лаб олинди. Вилоят фаолла-ри йиғилишида Республика Бош вазирининг ўринбосари Т. Мирқўблов қатнашди ва нутқ сўзлади. Фаоллар йиғилиши қўрилган ма-сала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Э. МАДРАҲИМОВ.

ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Йид ал Адҳа муносабати билан Сиз, жаноби олийларини, Иордания қироллиги ва ҳукумати халқи номидан муборакбод этаётганимдан маънунман. Биродар Ўзбекистон халқига зафарлар ва фаровонлик тилайман.

Иордания қироли Ҳусайн Биринчи.

Сизни муборак Йид ал Адҳа байрами билан самимий табриқлаб, Буюк Аллоҳдан барча мусулмонларга юксак хайрхоҳлик беришини, Сиз, жаноби олийларига, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат ато этишини тилайман. Ўзбекистон халқига, барча мусулмонларга фаровон ҳаёт ва кўркамлик ёр бўлсин.

Уммон султони Қобус бин САИД.

Авалло Афғонистон Ислон давлати ва шахсан ўз номидан Сизни ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқини Қурбон ҳайит билан табриқлайман.

Халқларимиз ўртасидаги қардошларча анъанавий дўстликнинг тарихий илдизлари бор, бу дўстлик давр синовидан ўтган, кун сайин мустаҳкам-ланиб, кенгайиб бормоқда. Қардош Ўзбекистон халқи билан диний, тарихий ва маданий илдизла-римизнинг муштараклигига, шунингдек яхши қўш-ничилик муносабатларига асосланиб, дўстлигимиз янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига умид қиламиз.

Кези келганидан фойдаланиб, Сизга ва оилангизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, муваффақият, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик, эркинлик ва фаро-воқлик тилайман.

Эҳтиром билан
Муҳаммад ОМОН,
Афғонистон Ислон Давлатининг муваққат иш-лар вакили.

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

Гулистонда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирдарё вилоят кенгаши-нинг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда республика Президенти, Ўзбекистон ХДП раиси И. А. Каримов-нинг Ўзбекистон Олий кен-гаши ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқидан ҳамда партия Марказий кенгаши еттичи пленуми қарорлари-дан келиб чиқадиган, вилоят партия ташкилоти аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўлида-ги вазифалари ҳақидаги масала муҳокама этилди. Бу ҳақда ХДП вилоят кен-

НУРЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Яқинда Тошкент ГРЭСИ меҳнатқашлари ҳузурига Ўз-бекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда республика энер-гетика вазирлиги вакиллари ташриф буюришди. Ўзбекистон ХДП Марка-зий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоев йиғил-ганларга мамлакатимиз Прэ-зиденти И. А. Каримовнинг рисоалари ва унинг рес-публика Олий Кенгашининг XII сессиясида сўзлаган нутқидида баён этилган қонда ва ҳулосалардан келиб чи-қадиган вазифалар ҳақида аффоқлича сўзлаб берди. У Халқ демократик партияси-нинг шу бугунги фаолияти, унинг жамиятимизда тутган ўрни, дунёдаги бир қанча партиялар билан яқиндан алоқалари, ўзаро тақриба-

ХИНДИСТОН—ЎЗБЕКНИСТОН ҲАМКОРЛИГИ

Тез орада Хиндистон теле-видендеси дастурлари Ўз-бекистон телевидендеси ор-қали мунтазам кўрсатила-бошлайди. Хиндистон ҳўку-мати бошлиғи Нарасимха Раонинг яқинда шу респу-бликага қилган ташриф вақ-тида маъқулланган битимга

мувофиқ Тошкент ва Ўз-бекистон бошқа минтақа-лари аҳолиси ҳар кун бир ярим соат мобайнида маш-ҳур ҳинд фильмлари, кўн-гилочар драмаларини, етак-чи эстрада ижроичларининг концертларини кўриши мум-кин бўлиб қолади.

ПЕНУМДА Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг би-ринчи котиби М. М. Расу-лов нутқ сўзлади. Пленум ишида Сирдарё вилояти ҳокими Б. М. Маҳмудов иштирок этди.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мух-бири.

ЭЛЧИХОНА КУТУБХОНАСИДАН ФОЙДАЛАНАДИ

Ўзбекистоннинг ташқи иш-тисодий, ижтимоий ва сиёсий алоқаларини рив-ожлантириш учун жаҳон тили—инглиз тилини би-лиш жуда муҳимдир. Шу боис ҳам инглиз тили бўй-ча республика олимпади-сининг ўтақизиши бежиз эмас. Ўшларимиз бу тили қанчалик мукамал эғалла-салар Ўзбекистоннинг мус-

тақиллигини мустаҳкамла-нишига шунчалик хизмат қиладилар. Олимпадида, таъбир жоиз бўлса, кескин курашлар ос-тида ўтди: Ёшлар бор маҳор-атларини ва билимларини намойиш этидилар. Ва ни-ҳоят Шарқинусуллик инсти-тутининг араб тили бўлими талабалари А. Жемғўраев ва М. Хасановларни юзори

ҳайъати фойиб деб топди. Шу муносабат билан Тош-кентдаги АҚШ элчихонаси ходимлари фойибларни қиз-рини табриқлашди ва ўз со-ғаларини тақдим этидилар. Бундан бўён бу талабалар АҚШнинг Тошкентдаги эл-чихонаси кутубхонасидаги адабиётлар ва компьютерлар-дан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлидилар.

Ш. ШОМУСАРОВ.



Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳри-даги қўшма ёш-яланлар замонавий кийинишда пойтахтликлардан қол-тиш майданга бўлиб қолди. Улар янги урф бўлган кийим-кечақларни тижорат дўконларидан эмас, балки шу ердаги маҳаллий кооперативга қарашли «Мар-челла» деб аталган тикувчилик кор-хонасига буюртма бериб тиктириб олиш-моқда.

Бир йилча аввал иш бошлаган бу жамоа бугунги кунда юзлаб буюртма-чиларга эга бўлиб турибди. Буюртма-чи орасида шахардаги футбол клуби жамоаси ҳам борки, маҳаллий чева-рлар олий лигада ўйнавчи «Янгиер» фут-бол командасига замонавий спорт ки-

йимларини қойилмақом қилиб тикиб беришмоқда. Яқинда буюртмачилар қаторига яна бир жамоа қўшилди. У Ўзбекистон фут-бол федерацияси бўлиб, катта буюртма берди. Куни кеча коржома кийимлар тикиб қабул қилинди. Бу буюртма ви-лоят ташкилотларининг қувур ва ме-талл буюмларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беради. Бошқача айт-ганда, буюртма Украинанин шу маҳсу-лотларига алмаштирилди.

СУРАТДА: илгор тикувчи Эсмيرا Хидирова.
Б. ТўРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ПАТА ТАСС мухбири Алексей Кузнецовнинг Деҳ-лидан хабар қилишича, дўст-лик ишонаси сифатида Деҳ-лидан Тошкент телемарка-зига зарур кўрсатув ускуна-лари юборилди. Бугун ЮНИ ахборот маҳкамаси-нинг хабарига кўра, Бош ва-зир Нарасимха Рао худди маданиятга Ўзбекистонда-ги қизиқини зўрлигини пай-қаб олчга, у ҳақида шахсан қарор қабул қилган.

(ЎзА).

Халқ фожиаси Ва дард-алами

Ғ.ХАЙДАРОВ, М.ИНОМОВ

(Давоми. Бош газетанинг ўтган сонларида).

Икки юз жангчи: «Душмандан ўч олами» — деб қасамд қилди: Пахтабодга етиб келгач, мен тушиб қолдим. КамАЗ эса кетди. Мен йўл бўйлаб пибда кетвердим. Тез орада «Жигули» келиб қолди, у мени чегарагача олиб келиб қўйди. Аллоҳга шукри, олти кун давом этган дахшатли туш интиҳо топти. Аммо биродаркушик уруши булутлари ҳали ҳамон Тожикистон осмонидан сувзиб юрибди. Фуқаролар уруши давом этмоқда...

Албатта, бундай фожиали ҳужжатларнинг рўй-рост ифода этувчи манбалар 1992 йилдан кейин кам қолди. Улар кўриничли бўла боради, аммо тарих учун, келгуси авлод тарихи учун сабоқ бўларли маълумот беради.

Қонли тўқнашувлар эса кун сайин янги-янги қирғинлар олиб келади. Уни тўхтатишга уринишлар бўлди, ақидларастлар ва республика раҳбарларида ақл-идрон устун келди? Хорроғда Давлат Худоназаров тақлифи билан баъча қарама-қарши гуруҳларнинг вакиллари сулҳ шартномасини тузиш, миллатнинг қирилиб кетишига ров қўйиш йўллари тўғрисида мақсадда Интиқлиқ, Тоғли Бадахшон мухтор вилояти марказида имзоланган ҳужжат қарама-қаршиликка чек қўяди деб умид қилинганди. Аммо воқеалар ривож бунинг аксини кўрсатди. Бир томоннинг бераҳмлиги иккинчи томоннинг эҳтишомлигини келтириб чиқарди. Ўч олиш тўғриси ҳар қандай ақл-идрондан устун келди.

Тожикистоннинг Бутунжаҳон анжуманини ўтказилишидан ҳукмрон табақаларнинг умидлари катта эди. Бу анжуман унинг ташкилотчилари режасига кўра, жанговар ҳаракатларни ҳеч бўлмаста вақтинча тўхтатиши лозим эди. «Правда» газетаси бу ҳодисани мана бундай ёритганди.

«31 августда, Душанбеда Президент саройини эгаллаш ва одамларни гаровга олиш билан боғлиқ асосий воқеалар ажв олган кунда ҳукумат қарори билан Президент саройининг катта залида умумжаҳон тожиқлар анжуманига тайёргарлик кўриш борасида вазирилик ва ташкилотлар раҳбарларининг мажлиси чақирилган эди. Мажлис тугаши билан, сарой жангарилар томонидан ўраб олиниди, жуда оз киши билан қичиб олинишга мумкин бўлди. Вақтда кўчадан ўтаётган бўлиб йўловчилар Президент саройининг баланд деворларидан вазирилик ва юқори мартабали амалдорлар сарқаб тушаётганини кўриб, амалдорларнинг эди. Тузоқ олдиндан режалаштирилган эди. Бунага ахшлал тайёргарлик қўрилганини тушуниш учун у қадар катта ақл талаб қилинмасди.

57.

Ҳеч қанақа «учинчи» куч йўқ эди. Бу тузоқни тайёрлаганлар ортида яна ўша шахслар: Исом уйғончи партияси, қозилик ва Демпартия турар эди. Бош вазирилик икки ўринбосарини иш кабинетининг ўзида қўлга олишди, улардан бирининг ҳузурда шу тоғда Кўлоб вилояти иқроқи қўмитаси раиси унинг ўринбосари Сангов бор эди. Бир неча соатдан сўнг Сангов ваҳишона қўлга олиниди. Куролланган жангарилар Вазирилик маҳкамаси ва Президент аппарати ходимларининг уч кеча-кундуз давомида заллардан бирида тутиб турилиди, баъзиларини тунлари қандайдир ертўлаларга олиб кетишар, қийнаб сўроқ қилишар эди. Бош вазирилик биринчи ўринбосари Ҳ. Каримовни масжидлардан бирида уч марта деворга тираб отиб ташламоқчи бўлгандай автомат затворларини шикрлатишди.

Тожикистоннинг БМТдаги элчиси этиб элдинга тайинланган 60 ёшли Л. Қаюмовни айниқса тахрирлашди. Нама чекиб олган ва маст-аласт Интиқлар президент саройида гаровга олинганларни Тожикистон учун нима иш қилганлари ҳақида ҳисобот беришга мажбур қилишди, тунда эса улар ухлаб қолмасликларини учун бошларидан совуқ сув қўйиб туришди...

Шодмон Юсуфнинг бу воқеаларга Демпартиянинг ҳеч қандай алоқаси йўқлиги ҳақида баёноти, айниқса, унга тақридан сўрбетликнинг ўзи бўлди. Партиядаги ўзининг ўринбосаридан бири айни вақтда Душанбе кулҳ комбинати янгидаги Юсуфни қишлоғидан гаровга олишганлар тахрирлаётган масжидда қилётганидан ҳабардор бўлмай илжиб йўқ эди. Айни ўша ўринбосари автомат кўтариб юриб, ҳаммагини отиб ташлади, деб пўнса қилётган эди.

Тожикистонда ҳозир ҳеч қандай Демократик партия йўқ, деб ўйланган. Бу ном қонун даражасига кўтарилган ноқонуний ҳаракатларни ашириш учун парда эди, холос. Аслида ўзини «Ватан» кўтариш штаби» деб атоқчи, Шодмон Юсуф томонидан ёзда тақлиқ этилган жангарилар гуруҳи маъжуд. Раҳмон Набиевни тутиб келиш учун гуруҳ ўйнаш шубҳадан йўлга чиқди, Тожикистоннинг бош прокурори Нурилло Хувайдуллаев Удирлигидан кейин ярим соат ўтгач, иш бажарилиди, деган ахборот айни шу штабга берилди.

Сентябрь ойининг бошларига келиб Раҳмон Набиев ҳукмати, Президентнинг ўзи — воқеаларнинг кечишига бироз бўлса-да таъсир кўрсатишга қодир бўлмаган сёсий мурда эканлиги равшан бўлди. Маълумки, чўкатиш киши хаста ёпишади. Набиев ҳам истисно эмас.

58.

ди.Унинг тақлифига кўра, депутатлар Олий Кенгашининг навбатдаги шойлиқ сессиясини Хўжаанда ўтказишлари керак эди. Бу масала юзасидан улар орасида бирлик йўқ эди. Халқ нонбларининг етарлича катта қисми сессия Душанбеда ўтказилишини талаб қилди. Набиев бу фикрга қарши чиқди. Парламентнинг янги тайинланган раиси Акбаршо Исқандаров ҳам сессиянинг Хўжаанда ўтказилиши тарафдори бўлиб, бу ҳақида Президент билан келишиб олган ва мамлакат шимолига учтишга тайёр эди.

Кўвинга учраган Президент аэропортга ҳаммадан олдин келди. Кучайтирилган қўриқчилар паноҳида депутатлар залида жойлашди. Бироқ аэропорт атрофида ва залда қуролланган кишилар пайдо бўлиб, «Душанбе ёшлари» вакиллари эканлигини айтишди. Улар Президентнинг учинчи қаердан билинган, ким уларга ахборот берган? Ахир сессиянинг ўтиш вақти қаттиқ сир тутилган эди-ку. Ҳозир бу ҳақида фақат фол очиб мумкин. Лекин жангарилар халқ депутатларидан ҳам, ақидларастлар роғларни тарафдорлари, юқори мартабали амалдорлардан ҳам энг махфий ахборотларни олишга қодир эдилар.

Қисқиси, 7 сентябрда Душанбе аэропортда ўқ товушлари эшитилди, бунинг оқибатида учта қўриқчи оғир араланди. Қўриқ кетган Президентга шу ернинг ўзида истеъфога чиқиш ҳақида аризага имзо чекишни тақлиф этишди. Раҳмон Набиев бироз ўйлаб қўриб, «Душанбе ёшлари» вакиллари билан гоят баланд мартабали шахслар учун мўлжалланган хонага кириб кетди. Қисқа музокарадан сўнг у истеъфога чиқиш ҳақида Тожикистон Олий Кенгаши Раёсати номига битилган аризага имзо чекди. Тўғри, Р. Набиев муҳолафатчи олдига битта: ўзи ва оиласининг хавфсизлигини тўла таъминлашдек муҳим шарт қўйди. Собиқ президентга бундай қабуллат берилди. Келишув амалга ошди...

Тожикистон Конституциясига кўра, бутун ҳокимият Олий Кенгаш раиси, Тоғли Бадахшон мухтор вилоятидан чиққан, олий функцияерлардан бири Акбаршо Исқандаров қўлига ўтди. Маълумки, уни ўз вақтида қозилан, Исом уйғончи партияси ва Демпартия раҳбарлари қўллаб-қувватлаган эди. Табиийки, «Ляъли-Бадахшон» ҳаракати бошлиқлари ҳам ундан жуда умидвор эдилар.

Аэропорт ҳудудига Россиянинг 201-мото-ўқчи дивизияси қўшилари кириб келганда истеъфога чиқиш ҳақидаги аризага имзо чекилган, вақт ўтган эди. Дивизия командири, генерал-майори Мух-

59.

ритдин Ашуров кейинчалик журналистлар билан қилган мушоабасида баён қилгандек, асарлар миллий хавфсизлик қўмитаси раҳбарлари ва шахсан Р. Набиевнинг илтимосига кўра уни ва депутатларни жисмоний йўқ қилишни олддини олиш мақсадида қиритилган эди.

Бутун сёсий кураш даврида Россия қўшинларининг Тожикистон ҳудудига жойлашини муҳолафатдаги партиялар ва қозиланинг олдига газабини келтириди. Улар энг нозик инсоний туғувларини қитқилди, суверен давлат ҳудудидан чет эл қўшинлари олиб чиқиб келишга тақдирлагани ҳақидаги мустақилликка эришиш мумкинлигини бегўтув таъкидлашди.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, дастлабки пайтларда одамлар бундай широларни қабул қилишди ва улар таъсир кўрсатди. Қонли жанг бошлангунча шундай бўлди. Лекин шу қалтис вазиятда ҳам муҳолафатнинг таъсирот машинаси кўп нарсалар эришти. 201-дивизия бутун эйдангидан давомийда бетараф турди. Лекин Россия оғборларидан қуролларнинг бир қисми жангарилар, Санга Сафаров бошчилигидаги Халқ fronti отрядлари қўлига тушганлиги тўғрисида маълумотлар ҳам бор.

Россия қўшинларининг Тожикистондаги аҳоли жуда қийин бўлди. Офицерлар оғбор ва бўйнималар ҳудудини кеча-кундуз қўриқлашга мажбур бўлидилар. Улар автоматлардан, гранатамётлардан, мерган митлиқлардан ўқна тутиб турилиди. Шахсий состав орасидаги қурбонлар оз эмас. Бироқ... Россия раҳбарининг иккиёқлама сёсий отфицерларнинг ўзида ҳам асқ эди. Одамлар ким учун жанг қилишини, кимни ҳимоя қилишини билишмас эди. Аслида дастлабки вақтларда Россия дивизиясини тақдир тақозосига ташлаб қўйилган эди.

Ҳарбийлар ҳам одамлар. Улар оила-уларнинг тақдирига бефарқ қараб олмайдилар. Уларни ўз ватани — Россияга йўнатиб юбориш мумкин эди, лекин жуда озчилик кета олмади. Чунки, у ерда кўпчилигининг на ўйи, на бирор ижтимоий нафолати бор. Шунинг учун постларда офицерлар билан бирга уларнинг хотинлари ҳам бўлишарди.

Лекин маҳаллий аҳоли бир қисмининг Россия дивизиясига қанчалик нафрат бўлмасин, минг-минглаб кишилар шу дивизия бўйнималари ҳудудига ҳимоя топти. Ўт ичида қолган Тожикистон шахарлари ва қишлоқлари аҳолиси ақидларастларнинг қонли терроридан қочиб, ҳарбийлар ҳузурига келишарди. Бу ерда уларга вақтинчалик бошпана, оз бўлса-да овқат топишарди...

60.

Божхонадан хабар қилишдаги

ТУГУНЧАДАГИ ОЛТИН

Тошкент тайёрағоҳида 28 май кунин эрталаб Дехлига учадиган самолёт йўловчилари ўзлар хатдан ўтаётган эди. Улар орасида қавказ миллатига мансуб киши ўзининг бераҳмлигини билан божхона ходимларини диққатини тортиди. Тейишрау аппаратидан у энг охирида ўтди. Аппарат унда металл буюмлар борлигини кўрсатмади. Қўл сумкаси — дипломатида ҳам шубҳали ашё йўқ эди. Уни яна бир марта аппарат орқали ўтказишди, топ-тоза.

Йўловчиларини тайёрағоҳга элтган автобус охириги тўрт кишини олиб жўнаш арафасида халқаро авиайўлар божхона пости инспектори ўқтам Шодмонов пайдо бўлди. Бояги йўловчининг «тоза»лигига у барибир ишонмаган эди. Автобусда яна бир бор текшириш учун унинг ортидан борди. Божхона инспекторининг шубҳаси тўғри бўлиб чиқди: йўловчининг боя постада текширилган дипломатида қандайдир тугунча пайдо бўлибди. Очиб қарашса, турли шаклдаги металл қўймалари чиқди. Экспертиза қўймаларнинг 3 килограммдан ортиқроқ соф олтин эканини аниқлади.

Мусодара этилган олтин хозирги нархда 30 миллион сўм туради. Қимматбаҳо «хазина» эгаси Ашот Хачатурян 1954 йилда турилган, Арманвистон фуқароси экан. Унинг устидан жиноий иш кўзгатилади.

Х. ОЛИМЖОНОВ, П. НИШОНОВ, (ЎзА).

Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин, дейдилар. Аслида олим бўлишининг осонлиги ҳам нисбий гап, бу дунёда бирор мақсадга эришиш, жумладан, олимлик даражасига етишиш ўз-ўзидан юзага келмайди, қўн ва сабот, ривазат келиш матонат билан изланиш сабр ва эътиқод кишини илм-фан пиллаюяларига олиб чиқади. Чинакам инсон сифатида ном қозониш, бошқаларга меҳр-оқибат улашиш эса ундан ҳам мураккаб вазифа. Бунинг учун энг аввало одамда табиат берган фелъ-атвор эъзуликка йўғрилган бўлиши лозим.

Ҳа, чинакам олим бўлиб етишиш учун шу баробарда ҳақиқий инсон бўлиб элга танилиш шарафига ҳамма ҳам дохил бўлавермайди. Бирин кам дунё, дегалларда ахир машойхлар — бировда унис, бировда бунини етишимай қилиши мумкин. Ҳар икки хилатини ўзида мужаскамлаштирган кишилар ҳам эса, каттаюқ кичкинлик ҳурмат-эътиборга тушишлари тайин. Наримон Хотамов худди шундай — олимлик ҳам, одамийлик ҳам ўрнига қўйилган, ўзининг яхши фазилатлари билан кўпчилигининг назарига тушган ажиб инсондир.

У эллигинчи йилларнинг бошларида Самарқанд Давлат университетининг филология факультетига ўқитиш кирди. Булар бола бошидан, деган гап бор. Шу ҳикмати ўша пайтлардаги ёш Наримон нисбатан ҳам айтш мумкин эди. У университетдаги тахсилнинг дастлабки ойларидаоқ фанларни яхши ўзлаштириши, бошқар

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА

● ЧЕХИЯДА оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон бўлиқчилиги бўлиб ўтди.

20 ёшгача бўлган полвонларнинг ана шу баҳсида фарғоналик Александр Мануилов махорат кўрсатди. У силтаб кўтаришда 165, даст кўтаришда 207,5 килограмм иштига билан умумжаҳонда жаҳон чемпиони номига сазовор бўлди.

ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

● «ОСИЁ» лигаси жамоалари ўртасидаги ребиб бигринчиликда қатнашаётган республикамиз жамоалари муваффақиятли куч синашартилар.

Ўзбекистон терма жамоаси ребибчи қизлари дастлабки икки тур ўйинларидан

«Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллигига



ЎЗБЕКИСТОН ВАТАНИМ МЕНАМ



Қадамнинг қутлуғ бўлсин, келинчак!

А. ТУРАЕВ олган сурат.

ларга эътибор-оқибат кўрсатиши билан кўзага қўриниб қолди. Йиллар ўтган сарни Наримон яхши ўқитиш, таш-килотчилиги, оғбурси билан фақат факультетда эмас, уни верситетда ҳам танила борди. 1957 йили университетни битиргани ҳамон Тошкентга келиб «Ўқитувчи» наشريётининг ўзбек тили ва адабиёти тахририятига ишга кирди.

қол-аҳвол сўрашдик. Урни келиб қолганида мен «Парқ юлдузи» ойнамасидан кетганимни, ишсиз юрганганимни айтдим. «Тоғда ўсган бола» унинг учинчи қиссасини ёзиб туратдим, ҳозир бошча бир чала ётган қиссамни ишлаш-тирма, дедим. Наримон юз-кўзларимга тикилиб турди. — Энди, гап бундай, жўра, — деди. — Бизнинг

кийин кунлар тушди. Наврўз байрами таъқинланган, раҳбарий кадрларини ўқ-бу-ёққа суриш бошланган пайтлар эди. Дўсту биродарларининг тушкунликка тушишига йўл қўймадилар. Наримон Хотамов ўша йилнинг март-сентябрь ойларида «Медицина» наشريётида ишлади, октябрь ойидан бошлаб Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот инсти-

риёт ходимларининг бундай ишни чеклашга, янги даврга мос, оммабоп, оддий китобхонларнинг онги шу-рурини ёритадиган, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш роғлари билан суғорилган китоблар, рисо-ларлар чоп этиши тақозо қиларди. Жумладан, кўпчилик муаллифлар яқондаги мансуб «Наврўз» номли китоб, Зайнидин Ҳакимовнинг «Ўзбекистон мўминси», Собир Мирвалиевнинг «Ўзбекистон адиблари», Асил Рашидовнинг «Акам ҳақида» номли китоблари наشريётта маълум иқтисодий даромад келтиришидан ташқари миллионлаб китобхонларга маълум-маъзур бўлаётган ҳеч кимга сир эмас.

ОДАМОХУН ОЛИМ

ТҶИХАТ УРНИДА

Наримон Хотамов ўз иш фаолияти давомида наشريётда меҳнат билан илмий ишни қўшиб олиб борди. Бу ерда у ишга жонқуярлиги, меҳнатсеварлиги, ён-атроф-данларга меҳрибонлиги, дўстларга садоқати билан эътибор қозонди. Камтарга камол, деганларидек хизмат вазифаси пиллаюяларидан аста-секин кўтарилиб, 1967 йили ўзи ишлаб турган наشريётда бош муҳаррир лавозимига ўтди. 1971 йилда эса директориликка тайинланди. Худди ўша йили у ўзбек тили терминологиясини бўйича анчадан бери заҳмат чекиб юрган илмий ишнинг якунаб, филология фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Шу ўринда қирқ йиллик дўстим Наримон фазилатига доир битта қиррани таъкидлагим келди. 1979 йилнинг август-сентябрь ойлари бўлса керак, Наримон билан тасодифан йўл устида учрашиб қолдик. Бир-биримиздан наشريётда «Мактаб кутуб-хонаси» деган туркум бор. «Тоғда ўсган бола»нинг дастлабки икки қисминини тайёрлаб, бизга олиб келинг, чиқарайлик. Мактаб ўқув-чиларга яхши сова бўлади. Айтиб қўяй, қалам ҳақиқин кўп беролмаймиз-ку, ҳар қалай, майли-да.

тутига илмий ходимликка ўтди. 1988 йил август ойида муқоаб сайлов йўли билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Фан» наشريёти директори лавозимига сайланди.

«Фан» Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли, олимларнинг, илм-фан кишиларининг китобларини чоп этидиган наشريёт. Бозор иқтисодиёти шёсасига ўтилмасдан олдин мутлақо давлатга боқимонда бўлиб келган бу таъкилот ҳам эндиликда янгича тизимларни қўллашга мажбур. Яъни ишлаб чиқарган маҳсулот билан иқтисодий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлаш ва шу билан бирга илм-фан аҳлининг, олим муаллифларнинг китобларини чоп этиши лозим эди. Авваллари маълум бир рекалар асосида ўта илмий, фақатгина олим кишиларнинг ўқилларига мўлжалланган китоблар қўллаб чоп этиларди. Маъжур наشريётда эндиликдаги вазият нап-

Спорт

кейин маъқеларини мустаҳкамлаб олишди. Ҳозир терма жамоасини 22 очко билан олдинда бормоқда. Олматой регбичиларида ҳам шунча очко бор.

МАВКЕНИН МУСТАҲКАМЛАБ

● МУСТАҚИЛ Ўзбекистон миллий чемпионатида иштирок этаётган олий ва биринчи лига футбол жамоалари дастлабки давра ўйинларини муваффақиятли якунаб, мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишмоқда.

Олий лига жамоаларининг 11-тур ўйинларида пахтакорчилар бир очко йўқотишди. Улар «Темирйўли» майдонига куч синашган (1:1) эдилар. «Нефчи» эса «Янгиер» футболчиларини қабул қилиб (5:1), мавқеларини анча яхшилашди. Ҳозир пахтакорчилар 13 очко билан олдинда бормоқда. «Нефчи» ҳисобида 17 та очко бор. «Сўғдиёна» ва «Навобахор» жамоаларида 13 тадан очко тўпланган.

ҲОЛИВЛАРНИ АНИҚЛАДИ

● АНДИЖОНДА спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Республиканинг турли вилоятларидан тўпланган 130 нафар йигит-қиз икки гуруҳга бўлиниб, спорт усталари ва усталаника номзодлари сифатида узаро баҳс-лашдилар. Бўлажак спорт усталари ўртасида андижонлик Н. Дзюндзя галаба қозонди.

«Ўзбекистон овозининг навбатдаги сони 4 июнда чиқади.

«Мулоқот» журнали иқидий жамоаси ва тахрир ҳайъати журнал ходими Иззатулла Аҳмедова отаси

Омонкул АҲМЕДОВнинг вафот этганини муносабат билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон иқтимоий таъминот вазирлиги республика миёсиданги шахсий пенсионер

Хайрихон ҲОЛИҚОВнинг вафот этганини муносабат билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия наҳор этади.

«Узавторбанк» ТВ бошқармаси жамоаси «Узавторбанк» расивининг муовини, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи Х. Мусаевга акаси Баҳром МУСАЕВнинг бевафот вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий тадқиқот институт жамоасининг институт меҳнат фахрийси, олий тоифадаги шифокор, кўп йиллар бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган

Камол АБДУЛЛАЕВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия наҳор этади.

«Узавторбанк» ТВ бошқармаси жамоаси «Узавторбанк» расивининг муовини, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи Х. Мусаевга акаси Баҳром МУСАЕВнинг бевафот вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Узавторбанк» ТВ бошқармаси жамоаси «Узавторбанк» расивининг муовини, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи Х. Мусаевга акаси Баҳром МУСАЕВнинг бевафот вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Узавторбанк» ТВ бошқармаси жамоаси «Узавторбанк» расивининг муовини, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи Х. Мусаевга акаси Баҳром МУСАЕВнинг бевафот вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Узавторбанк» ТВ бошқармаси жамоаси «Узавторбанк» расивининг муовини, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи Х. Мусаевга акаси Баҳром МУСАЕВнинг бевафот вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЯ КЕНГАШИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ 32-УЙ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:

Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80; 32-53-44.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43; 32-53-16.
Животчиликка қарши кураш — 33-76-04; 32-26-70.
Вилоят муҳбирлари — 33-12-16; 32-57-20.
Халқаро ахборот ва спорт — 33-12-56; 32-55-16.
«Осиё бозори» — 33-41-89; 33-38-55.
Котибят — 33-72-83; 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-42.

Шароф Рашидов фонди — 33-20-36; 32-54-35.
Кўблукча — 32-55-45.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ:
Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулстонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоида — 3-74-76;
Нукусда — 2-42-62;
Набатчи муҳаррир: Ҳ. ЭРМАТОВ.

● Бирорта ҳам хет редакция эътиборидан четда қолмайди.
● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга қаролат берилмади.
● Қўлэмалар ҳамжи чекланмайди.
● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 2 босма табақ, тиражи 165.126 нуска.
Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.45.
Г—274. №100